

Қарзга олган нарсани қайтариш лозим

10:39 / 26.11.2018 2439

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, сиздан анча нарсаларни ўргандим. Худонинг ўзи илмингизни зиёда қилсин. Бир саволим бор эди. Бир укашонимдан бир ойда қайтариб бериш шарти билан буюм олгандим. Аммо ваъда берилган кунга пулни қайтаролмадим. Бу ҳолат мени изтиробга солмоқда. Ё олган молимни қайтариб берайми? Бундай ҳолатда қандай йўл тутишни билмай қолдим. Икки кундан бери мени кутишмоқда. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

– Ва алайкум ассалом! Аввал халқдаги “Кўрпанга қараб оёқ узат” мақолига амал қилиш керак эди. Энди буюм сизники, зиммангизга уни пулни бериш вожиб. Сотишга яроқли нимангиз бўлса сотиб, пулни тўланг. Валлоҳу аълам!